Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

2022 - yil 30 - sentabr VI-43-121-6-82-K/22 Namangan tumani hokimligi

Наманган туманида ош бериш маросимининг вақтини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019-йил 14-сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низом”нинг 3-бандига асосан Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019-йил 14-сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низом”да қуйидагилар белгиланганлигини маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши;

дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

тўйлар, оилдавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши белгиланганлигини туманда маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

мазкур тадбирлар муносабати билан қўшалоқ тўйда ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши белгиланганлигини туманда маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Наманган туманида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 га қадар давом этиши белгилансин.

3.Карантинли ҳолатларда Республика махсус комиссия томонидан ош бериш маросимининг вақти чекланган ёки чегараланган тақдирда ош бериш маросимининг вақти мазкур комиссия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.Ушбу қарор туман ҳокимлигининг “Истиқлол” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5.Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6.Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи (М.Тўйчиева) ҳамда ижросини назорат қилишни Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссия раиси (Т.Сиддиқова) зиммаларига юклансин.

Туман ҳокими **С.Мўминов**